

## **“Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси Ахборот хизмати бошлиғининг баёноти!**

Шу кунларда айрим фуқаролар орасида муаммоларнинг қонуний ечимини қидириш ўрнига, жамоатчилик эътиборини тортиш, ўзларини жабрдийда қилиб қўрсатиш ҳолатлари учраб турибди. «Қарши миңтақавий темир йўл узели» унитар корхонасига қарашли Айратом темир йўл бекати худудида бир гурух фуқаролар темир йўл устига йиғилганлиги акс этган видео ижтимоий тармоқларда тарқалди. Ҳолат юзасидан муносабат билдирилди ва биз тафсилотларга қайтмоқчи эмасмиз. Аммо ўйлантирадиган жиҳати шундаки, бир муаммони бартараф этиш мақсадида ундан ўн карра зиёд хавфли бўлган муаммони келтириб чиқарадиган йўлни танлаш орқали нимага эришмоқчи эдик? Ҳаммасидан ачинарлиси, ушбу ҳолатга катта авлод вакиллари бошчилик қилгани бўлмоқда.

Ёшларга ўrnак бўлиши керак бўлган ота-оналар ушбу ҳолатни фарзандлари ҳам такрорлашлари мумкинлигини наҳотки ўйлашмаса?! Катта тезликда ҳаракатланадиган поезд тўсатдан тўхтаганда тормоз узунлиги 1000 – 1200 метр масофага баъзан ундан ҳам узокроққа чўзилиши мумкин. Бу эса машинист олдиндан кўриб қолган тақдирда ҳам фожианинг олдини олишга улгура олмаслигини англатади. Темир йўл худудида факат белгиланган жойлардан эҳтиёткорлик билан қоидаларга амал қилган ҳолда ўтиш лозим. Шу ўринда барча фуқаролардан вужудга келган ижтимоий ёки бошқа турдаги муаммоларни, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда қонуний ҳал этишга чақирамиз. Ўзингиз ва ўзгалар ҳаётини қадрланг!

**“Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси  
Ахборот хизмати**